

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ - МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ БАХТИЁР МАХМУДЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ  
СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР ВА СУРГУН ҚИЛИНГАН ДЕҲҚОНЛАР  
АҲВОЛИ (1929-1959 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences**

**Расулов Бахтиёр Махмуджонович**

Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги  
сиёсий катағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар  
аҳволи (1929-1959 йй.)..... 3

**Расулов Бахтиёр Махмуджонович**

Политические репрессии в процессе  
коллективизации в Узбекистане и положение  
сосланных деhqан (1929-1959 гг.)..... 31

**Rasulov Bakhtiyor Makhmudjonovich**

Political repressions in the process of  
collectivization in Uzbekistan and the situation  
of exiled dehqans (1929-1959 y.)..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ - МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ БАХТИЁР МАХМУДЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ  
СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР ВА СУРГУН ҚИЛИНГАН ДЕҲҚОНЛАР  
АҲВОЛИ (1929-1959 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.DSc/Tar.20 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tarix.uz](http://www.tarix.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Шамсутдинов Рустамбек Темирович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамходжаев Саидакбар Саидович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Хасанов Бахтиёр Вахапович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор, академик

**Етакчи ташкилот:**

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2 қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А. А. Маврулов**

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х. Э. Юнусова**

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С. Б. Шадманова**

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнларида ғоявий, мафкуравий ва информацион курашнинг тобора кучайиб, маҳаллий локал тарздаги тарихий воқеа-ҳодисаларнинг халқаро аҳамият касб этаётганлиги тарихий хотиранинг жамият ҳаётидаги ўрнини ортишига хизмат қилмоқда. XX асрнинг охиридаги сиёсий жараёнлар илгари атрофлича ва ҳолисона ёритилмаган муаммоларни тарих фанининг тадқиқот объектига айлантирди. Айниқса, Собиқ Иттифоқнинг 1930-1950 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати дунё миқёсидаги ўзгаришларга сезиларли таъсир кўрсатгани боис, бу даврни илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Россия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия ва Жанубий Кореялик тарихчи олимларидан иборат халқаро муаллифлар жамоасининг шу даврда ўтказилган сиёсий қатағонларга оид «Кремль архиви»нинг катта ҳажмдаги махфий ҳужжатларини эълон қилиши масалага бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Бу эса янги тарихий фактлар асосида сиёсий қатағонларни объектив ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Жаҳон амалиётида мустабид совет тузуми даврида аграр соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, деҳқонларнинг ижтимоий ҳаётидаги трансформацион жараёнлар, аҳолини совет ҳокимиятининг олиб борган иқтисодий сиёсатига муносабати ва ижтимоий ҳаракатларни тадқиқ этиш бўйича мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажакка онгли қарашни шакллантириш билан бирга тарих фанида эришилган натижаларни амалиётга жорий этишнинг истиқболли йўналишларини белгилашга қаратилган назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш ва миллий ўзликни англашга катта эътибор қаратилди. Ватанимиз тарихининг барча босқичларини илмий асосда ҳолисона ўрганиш ва унга объектив баҳо бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Совет ҳокимияти йилларидаги «асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани»<sup>1</sup> махсус тадқиқ қилинмоқда. Бунда совет ҳокимияти учун хавфли деб топилган деҳқонларга нисбатан сиёсий сабаблар, синфий, ижтимоий, диний белгиларига кўра қўлланилган қатағон сиёсатини ёритиш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини тиклаш заруриятга айланди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгилаб қўйилган «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 165.

ривожлантириш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган давлат сиёсатини такомиллаштиришда ёшларда тарихий хотира ва тарихий онгни шакллантириш, уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришни тақозо этмоқда. «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни»га бағишланган 2017 йил 31 августдаги тадбирда таъкидланганидек, «Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир. Ҳар бир вилоятда Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айти муддао бўлар эди. Қатағон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликлариди махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ҳам ишлаб чиқиш зарур»<sup>3</sup> эканлиги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган инсонларнинг хурмати ва хотирасини жойига қўйиш мавзунинг ижтимоий жиҳатдан ҳам долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони, 2008 йил 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-861-сонли қарори, 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Дунёда Ўзбекистонда ўтказилган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илловасида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». [Электрон ресурс]. Кириш режими: <http://strategy.regulation.gov.uz> (Мурожаат қилинган сана: 02.09.2017).

<sup>3</sup> Тинчлик ва фаровонлик йўлида курашганлар хотирасига эҳтиром. [Электрон ресурс]. Кириш режими: [https://www.uza.uz/oz/politics/tinchlik-va-farovonlik-y-lida-kurashganlar-khotirasiga-e-tir-31-08-2017?sphrase\\_id](https://www.uza.uz/oz/politics/tinchlik-va-farovonlik-y-lida-kurashganlar-khotirasiga-e-tir-31-08-2017?sphrase_id) (Мурожаат қилинган сана: 02.09.2017).

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://history.uchicago.edu>, <https://www.princeton.edu>, <http://www.hoover.org>, <http://www.yale.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.history.utoronto.ca>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.unina.it>, <https://www.ieg-mainz.de>, <https://www.iriran.ru>, <https://www.gmig.ru>, <https://www.butovopoligon.by.ru>, <https://www.memo.ru>; <https://www.uzhistory.uz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

таълим муассасаларида, жумладан, Россия Фанлар академияси Тарих институти, Халқаро Мемориал фонди (Россия), University of Chicago (АҚШ), Princeton University (АҚШ), Hoover Institution on War, Revolution and Peace (АҚШ), Yale University (АҚШ), Harvard University (АҚШ), University of Chicago (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), University of Toronto (Канада), University of Naples Federico II Repubblica Italiana (Италия), Institute of European History (Германия), «Мурас» фонди (Қирғизистон), Қозоғистон Миллий университети (Қозоғистон), Тарих институти, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

XX асрнинг 30- йилларидаги коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихини тадқиқ этиш бўйича қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: совет давлатининг мажбурий коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун сиёсатининг зўрликдан иборат мазмун-моҳияти, унинг партия ва мухолифат томонидан талқини, кулоқлар сургунининг босқичлари ва мажбурий кўчириш жараёнидаги адолатсизликларда ОГПУнинг фаолияти очиб берилган, (University of Toronto, Канада; Институт Российской истории РАН, Россия); сургун жараёнидаги ижтимоий-демографик ўзгаришлар, махсус кўчкиндиларнинг миқдори ва жойлаштирилган минтақалар, хусусан, Ўзбекистон бўйича дислокацияси, собиқ кулоқларнинг махсус посёлкалардаги оғир турмуши, озод қилиниши каби масалалар асосланган (Институт Российской истории РАН, Россия); Иттифоқ миқёсида колхоз қурилишига қарши оммавий чиқишлар коллективлаштиришнинг бурилиш нуқтаси сифатида эътироф этилиб, 1930 ва ундан кейинги йилларда деҳқонларнинг коллективлаштиришга қарши ҳаракатининг стратегияси, фаол ва пассив шакллари ёритилган (Princeton University, АҚШ); совет давлати ва деҳқонлар ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар - «буюк деҳқонлар уруши» сифатида баҳоланган (University of Naples Federico II Repubblica Italiana, Италия); сиёсий қатағонлар келтириб чиқарган очарчилик қурбонлари аниқланган (Hoover Institution on War, Revolution and Peace (АҚШ), коллективлаштириш ва кулоқлаштиришдан сўнг деҳқонларнинг колхозга мослашуви билан боғлиқ эксплуатация ва трансформация жараёнларига, колхозлар давлат манфаатларини, деҳқонлар эса ўз манфаатларини ҳимоя қилганликлари (University of Chicago, АҚШ); ГУЛАГ тизимига кирувчи меҳнат посёлкаларидаги оғир шарт-шароитлар ва сургундагиларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши таҳлил қилинган (Yale University, АҚШ); Ўзбекистонлик деҳқон оилаларининг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ички чўл-дашт, ўзлаштирилмаган ҳудудларига сургун қилиниши, сургундаги аҳволи, уларнинг меҳнат посёлкаларидаги мажбурий меҳнатга жалб этилиши ва сургундан қайтишидаги қийинчиликлар ёритиб берилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, Андижон давлат университети, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди (Ўзбекистон).

Собик Иттифоқда коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш масалаларини ўрганишга доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг норозилик чиқишларига таъсир кўрсатувчи этник ва диний омилларни локал ва глобал доирада таҳлил қилиш; кулоқлаштириш жараёнида деҳқонларнинг мол-мулкининг тортиб олиниши, солиқ, кредит сиёсатидаги айирмачиликлар ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинишини тарихий-иқтисодий жараёнлар контекстида аниқлаш; деҳқон оилаларининг Ўрта Осиёнинг ички худудлари билан бир қаторда, Шимолий Кавказ, Украина ва Шимолий Қозоғистонга сургун қилиниши сабабларини ёритиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистондаги коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихи янгича концептуал-услубий ёндашув асосида даврий ва муаммовий тамойиллар асосида олиб борилди. Бунда совет даврида чоп этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар ва хориждаги изланишлар гуруҳларга бўлиб ўрганилди, шарҳланди, танқидий таҳлил этилди ва умумлаштирилди. (Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи бобининг 1.1-1.2- параграфларининг манбавий асослари ва тарихшунослиги қисмларида батафсил маълумотлар берилган).

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган ИТ-8-45-06 – «Ўзбекистон чор Россияси мустамлакачилиги ва совет тоталитаризми даврида», ИТ-46-06 – Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари, шуниндек, мазкур университетнинг «2015-2020 йилларда фан докторлари тайёрлаш истиқболли режаси» бўйича ва Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг ИТ-34-4-08 – Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867-1991 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX асрнинг 20-50- йилларида Ўзбекистондаги коллективлаштириш жараёни, ундаги сиёсий қатағонлар, деҳқонларнинг сургундаги аҳволи, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши кураши ва сургундан озод қилиш тарихини очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги архив ҳужжатлари ва материаллари асосида советларнинг Ўзбекистондаги коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш сиёсати ва амалиётининг фожиали оқибатларини ҳозирги давр тарихшунослиги нуқтаи назаридан ёритиш;

XX асрнинг 30- йилларида ўзбек қишлоқларидаги қатағон сиёсатининг моҳиятини ҳамда кулоқларнинг XX асрнинг 20-30- йилларидаги ҳолати ва қатағон объектига айланиши билан боғлиқ масалаларни очиқ бериш;

коллективлаштириш ва кулоқлаштириш сиёсатига нисбатан қишлоқ аҳолисининг оммавий норозилик ҳаракатларини тадқиқ этиш;



совет ҳокимиятининг иқтисодий, ижтимоий мавқеи ва диний мансублигига кўра ҳамда сиёсий сабабларга асосан қишлоқ аҳолисини сиёсий қатағон қилиш механизмларини таҳлил қилиш;

сургун қилиш чораси орқали қишлоқдаги инфраструктурани ўзгартиришдан кўзланган большевикларнинг мақсадларини ёритиш;

Ўрта Осиёнинг ички ҳудудлари, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистондаги меҳнат посёлкаларининг вужудга келиши ва махсус кўчкиндиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятини ёритиш;

сургундаги қулоқларнинг такроран ва тўртинчи маротаба қатағон қилиниши механизмини очиб бериш;

1941-1945- йилларда фашизмга қарши олиб борилган жангларда меҳнат посёлкаларидан фронтга олинганлар жасорати, меҳнат армиясидаги ва фронт ортидаги меҳнат кўчкиндиларининг бунёдкорлик фаолиятини кўрсатиш;

иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсий жараёнлар ва сургундагиларнинг ўз юртига қайтиши ҳамда уларнинг тақдири масалаларини таҳлил қилиш;

илмий умумлаштиришлар ва хулосалар қилиш асосида таълим тизимининг барча босқичлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари учун зарур бўлган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** қилиб Ўзбекистондаги коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар белгиланди.

**Тадқиқот предметини** совет ҳокимиятининг коллективлаштириш билан боғлиқ Ўзбекистон қишлоқларидаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда замонавий назарий-методологик, фанлараро ёндашув, тарихийлик ва холислик тамойиллари, шунингдек, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, муаммовий-даврий, тизимли ва миқдорий таҳлил, структуравий-конструктивлик усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

коллективлаштириш Ўзбекистон қишлоқларида асрлар давомида шаклланган деҳқончилик анъаналари, аҳолининг миллий менталитети, диний дунёқарашига тамомила зидлиги боис, норозилик ҳаракатларида барча ижтимоий қатлам вакилларининг иштироки ўз-ўзидан ташкилланиш хусусиятига эга бўлганлиги очиб берилган;

мустабид тузум коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатига хайрихоҳ бўлмаган деҳқонларга нисбатан «муштумзўр» – мафкуралашган сиёсий атамасини қўллаш орқали салбий зўравон қиёфасини яратганлигининг моҳияти очиб берилган ва «кулак», «муштумзўр», «қулоқ» сиёсий атамаларининг ўзаро трансформацияси хронологик тартибда исботланган;

коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун сиёсатининг Ўзбекистонга татбиқида Марказнинг ваколатли органлари, маҳаллий партия ва совет органлари ўртасидаги ўзаро муносабатдаги боғлиқлик тарихий ракурсда тизимли тарзда таҳлил қилинган ва айнан битта айб билан сургун қилингандан ташқари, Ўзбекистон, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий

Қозоғистондаги меҳнат посёлкаларида иккинчи бор, ГУЛАГ лагерларида эса учинчи марта қатағон қилиниши сабаблари очиб берилган;

Иккинчи жаҳон уруши арафасида собиқ кулоқларнинг аксарияти мавжуд сиёсий режимга кўникишга мажбур бўлгани, 1941-1945-йилларда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ қолиб, фашизмга қарши курашда фронтда кўрсатган жасорати ҳамда фронт ортидаги фидокорона меҳнатлари ёритиб берилган;

оилавий сургун Ўзбекистон қишлоқларидаги инфраструктурани тубдан ўзгартирганлиги, деҳқонларнинг Ўрта Осиёнинг ички худудлари, Шимолий Кавказ, Украина ва Шимолий Қозоғистонга сургун қилиниши сабаблари қиёсий таҳлил қилинган, шунингдек, ёшлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлардан ташқари сургундан озод қилинганларнинг ватанга қайтиш жараёни совет қонунчилигидаги зиддиятлар туфайли 1959 йилгача давом этганини кўрсатувчи ночизикли динамика асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тарих фанида тан олинган методология ва фанлараро ёндашувлар асосида XX асрнинг 30-50- йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги зиддиятли муаммоларини тадқиқ қилишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

ўзбек халқини асрлар давомида шаклланган деҳқончилик анъаналаридан, тарихий-маданий илдизларидан, миллий ўзлигидан айиришга қаратилган совет ҳокимияти ва большевикларнинг сиёсати коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун жараёнида яққол намоён бўлганлиги кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мазкур даврга оид илмий адабиёт ва манбаларини ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатларини таҳлил қилиш билан бир қаторда тарихий тафаккурнинг шаклланишида асосий ўрин эгаллаган дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, муаммонинг қўйилиши, ёритилиши ва билим олувчиларга етказишнинг сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқ этилган илмий ишланмалар, фактик материаллар, фотоҳужжатлар «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидан жой олган;

Олий ўқув юртлари тарих факультетларида ўқитилаётган «Ўзбекистонда коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва уларнинг фожиали оқибатлари», «Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» мавзуидаги махсус курсларига янги маълумотлар киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, республика ва хориждаги архив ҳужжатлари ва бирламчи манбаларга асосланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларни совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз берган

трансформацион жараёнларнинг моҳияти ва хусусиятини ёритишда назарий хулосалар ҳамда янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини тадқиқ этишга, уни асраш ва бойитиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма, дарсликлар, ўқув видео-фильмлари, электрон қўлланмалар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон тарихининг бу даврдаги қисми ва мазмунини бадиий асарлар ва кино-фильмлар воситаси орқали халқимизга етказишда ҳам ишнинг натижалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика худудларидаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этишда диссертация материалларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX асрнинг 30-50-йилларида Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун тарихи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

мустабид совет тузумининг колхоз қурилиши сиёсатидан норози бўлган нафақат йирик ер эгалари, балки ишлаб чиқариш воситасига эга бўлган, белгиланган тартибда ёлланма меҳнатдан фойдаланган ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон ва уламоларни ҳам сиёсий сабабларга кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатига киритиб, мол-мулкидан маҳрум этиб, оилавий сургун қилишда кулак, муштумзўр ва қулоқ сиёсий атамаларидан фойдаланганлиги ва уларнинг ўзаро трансформацияси бўйича илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-861-сонли Қарорига мувофиқ ЎзР ФА «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг «Совет ҳокимиятининг коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати, унинг фожиали оқибатлари (1930-1936-йиллар)» мавзуидаги 5-бўлимини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг 2017 йил 26 октябрдаги №209-сонли маълумотномаси). Қўлланилган натижалар мазкур даврни фактик материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдиришга кўмак бериб, Ватан ва юрт озодлиги учун курашган, қатағон қилинган аждодларимиз қисматини илмий асосда ёритишга хизмат қилган.

Ўзбекистон қишлоқларида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатлар назар-писанд қилинмасдан зўравонлик, маъмурий буйруқбозликка асосланган ёппасига коллективлаштириш сиёсатига, «қулоқлаштириш»даги қонунбузарликларнинг юз беришига ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўта қўпол равишда поймол қилинишига нисбатан оммавий чиқишларнинг ошқора (аризалар, йиғилишлар, намойишлар, аёлларнинг норозилик чиқишлари) ва яширин (чорва моллари, иш ҳайвонларини сотиб юбориш ва сўйиш, камбағалларга тарқатиш, хорижга ҳайдаб кетиш) шаклда намоён бўлишига оид илмий хулосалар, чоп этилган ҳужжат

ва материаллар тўпламидаги манбаларидан Фарғона, Андижон, Наманган ўлкашунослик музейлари ва Марғилон шаҳар тарихи музейининг «Совет ҳокимиятининг коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати, унинг фожияли оқибатлари» мавзуидаги экспозицион режаларини тузиш ва экспозицияни тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги №01-11-04-5216-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижасида тўпланган ҳужжат ва материалларни музей экспозицияларида намойиш қилиниши ватандошларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйишдек масъулиятли вазифани бажаришга хизмат қилмоқда.

мустабид совет тузумининг Ўзбекистонда коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатининг мақсади, амалиёти ва оқибатларига оид илмий натижалардан ИФА-2012-1-4 - сонли «Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йиллар). 2-жилд» мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг 2017 йил 10 ноябрдаги №1/3-335-сонли маълумотномаси). Ушбу китоб совет даври ҳақида Ўзбекистонда яратилган дастлабки жиддий илмий фундаментал тадқиқот ҳисобланади.

Ўзбекистонда совет давридаги қулоқлаштириш, сургун сиёсати қурбонларининг тақдирини ўрганиш, хотирасини тиклашга оид тадқиқотлар таҳлили бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон вилоят телерадиоканалида 2017 йил 5 май куни эфирга узатилган «Нигоҳ», 2017 йил 27 июнь куни намойиш қилинган «Муносабат» ва 2017 йил 30 август кунги «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни»га бағишланган «Кун мавзуси» кўрсатувларининг сценарийсини тузиш ва уларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон ТРКнинг 2017 йил 26 октябрдаги №20-24/252-сонли маълумотномаси). Уларда таъкиб ва тазйиққа учраган минглаб деҳқон оилаларининг тақдирида аянчли из қолдирган тарихий ҳақиқатлар телетомошабинларга таъсирли етказилиб, бугунги мустақил юртимиздаги обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шукроналик туйғусининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 3 томлик ҳужжатлар ва материаллар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 18 та мақола, жумладан, 17 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 251 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг даврий чегараси, унинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Мавзунинг манбавий асослари, тарихшунослиги ва назарий масалалари»** деб номланган биринчи бобда муаммонинг манбавий асослари, тарихшунослиги ва тадқиқотнинг назарий-услубий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катағонлар тарихига оид манбалар: нашр қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламлари, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, мемуарлар ва эсдаликлар - оғзаки тарих маълумотларига бўлиб таҳлил қилинди.

1930- йилларда ўзбек тилида араб ва латин алифболарида нашр этилган қонун ҳужжатлари тўпламлари<sup>5</sup> муҳим аҳамият касб этди, улардан ўрин олган расмий ҳужжатлар тузилиши ва ёзилиш услуби билан давр руҳиятини ўзида акс эттирган. Совет Иттифоқи парчаланиши арафасида<sup>6</sup> ва ундан кейинги даврда<sup>7</sup> ҳужжатлар «ксерокс археографияси» услубида нашрга тайёрланди. Муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган тўпламлар<sup>8</sup> нашр этилди. Сталин ва ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар тўпламларида<sup>9</sup> Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилишга доир ноёб ҳужжатлар ўрин олган.

<sup>5</sup> Ozbekiston Ijtimoiy Shora Jumhuriyatining amaldagi qonunlarining jigindisi. II, III, IV qismlar. – Samarqand– Toshkent: Oʻzashr, 1930; OʻzSSJ Jinoyat qonunlari majmuasi. 1932 yil 1 apreli gacha boʻlgan oʻzgarishlar va qoʻshimchalar bilan – T.: Oʻzdashr, 1932. – 116 b.

<sup>6</sup> Документы свидетельствуют. Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927-1932 гг. Сб. документов. Под ред. В. П. Данилова и Н.А.Ивницкого. – М., 1989.

<sup>7</sup> Из истории раскулачивания в Карелии 1930–1931 гг. Сб. док. / Науч. ред. Н. А. Ивницкий, В. Т. Макурова. Петрозаводск, 1991; Спецпереселенцы в Западной Сибири. 1930 г. Весна 1931 г. Сб. док. / Отв. ред. В. П. Данилов, С. А. Красильников. – Новосибирск, 1992; Раскулаченные спецпоселенцы на Урале (1930– 1936 гг.) / Отв. ред. В. В. Алексеев. – Екатеринбург, 1993; Коллективизация и крестьянское сопротивление на Украине (ноябрь 1929 март 1930 гг.) / Отв. ред. и сост. В. Васильев. Л. Виола. - Винница, 1997; Насильственная коллективизация и голод в Казахстане 1931–1932 гг. Сб. док. и материалов. – Алматы, 1998.

<sup>8</sup> Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927– 1939. В 5 томах. /Сост.: В. Данилов, М. Кудюкина и др. Т. 1. Май 1927- ноябр 1929. (880 с). - Т.2. Ноябрь 1929- декабр 1930. (928 с); Т.3. Конец 1930–1933. (1008 с); Т.4. 1934–1936. (1056 с); Т.5. 1937–1939. Кн. 1. 1937. (648 с); Т. 5. 1937–1939. Кн. 2. 1938– 1939. (703 с) – М.: РОССПЭН, 1999–2006; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918–1939. Документы и материалы в 4 томах. - Т. 1. 1918-1922. (864 с); - Т. 2. 1923-1929. (1168 с); - Т. 3. 1930-1934. Кн. 1. 1930–1931. (864 с). Т. 3. 1930–1934. Кн. 2. 1932– 1934. (840 с). – М.: РОССПЭН, 1998–2005.

<sup>9</sup> Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 г. – декабрь 1936 г. (Россия XX век. Документы). – М.: Материк, 2003. – 912 с; Лубянка. Сталин и главное управления госбезопасности НКВД. 1937–1938 гг (Россия XX век. Документы). – М.: Материк, 2004. – 736 с; История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х - первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-и томах. Т.1. Массовые репрессии в СССР. – М.: РОССПЭН, 2004. – 728 с; Т.2. Карательная система: структура и кадры. – М.: РОССПЭН, 2004. – 696 с; Т.3. Экономика ГУЛАГА. –М.: РОССПЭН, 2004. – 624 с; Т.4. Население ГУЛАГА: численность и условия содержания. – М.: РОССПЭН, 2004. – 623 с; Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – М.: РОССПЭН, 2004. -824 с.; Т.6. Восстания, бунты и забастовки заключенных. – М.: РОССПЭН, 2004. – 736 с; Т.7. Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система. Аннотированный указатель дел ГАРФ. – М.: РОССПЭН, 2005. -711 с; Совершенно секретно: Лубянка-Сталину о положении в стране (1922-1934 гг)». /Ред. Сост А. Н. Сахаров, Г. Н.

«Ўрта Осиё қишлоғи фожиаси: коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун. 1929–1955 йй» ҳужжат ва материаллар тўпламининг<sup>10</sup> илмий истеъмолга киритилиши муаммонинг манбашунослигида муҳим воқеа бўлди. Мавзуни ёритишда республика миқёсида ва вилоятлар кесимида нашр этилган мавзуга бевосита оид ҳужжат ва материаллар тўпламлари<sup>11</sup> ва хотира китоблари<sup>12</sup> ҳам манбавий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» томонидан қатағон сиёсати ва унинг оқибатларига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинаётган «Тарихнинг номаълум саҳифалари»<sup>13</sup> ҳужжатлар ва материаллар тўпламларининг 6 та сониди мавзуга дахлдор қатор илмий мақолалар ҳам манба вазифасини бажармоқда.

Мавзу моҳиятини очиб беришда ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмаган кўплаб асосий ҳужжат ва материалларни Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎЗР ПДА) ва вилоятлар давлат архивларидан олишга эришилди. Уларни синчиклаб ўрганиш орқали маҳаллий партия ва совет органларининг қарорларининг жойлардаги ижроси билан боғлиқ муаммоли вазиятлар, зиддиятли жараёнлар таҳлил қилинди.

Ўзбекистондан Украинага, Шимолий Кавказга сургун қилинган кулоқларнинг махсус посёлкалардаги меҳнати, турмуш аҳволи, уларнинг такроран қатағон қилиниши, ГУЛАГ лагерига этап қилиниши каби масалаларни ёритишда Россия Федерацияси Давлат архиви (ГАРФ)<sup>14</sup>, Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати марказий архиви (ЦГА ФСБ РФ)<sup>15</sup> ҳужжат ва материалларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбавий асосларидан яна бири даврий матбуот. «Қизил Ўзбекистон», «Узбекистанская правда», «Известия» (Москва; Тошкент), «Красная звезда» газеталари, «Народное хозяйство Узбекистана», «На

---

Севастьянов, В. С. Хрустофоров, В. К. Виноградов, Т. Вихавайнен, М. Квинен, А. Гэтти, Л. Виола, Л. П. Колдникова). В 11-томах. Сборник документов. Т. 7. 1929 г. – М., 2004. – 768 с; Т. 8. 1930 г. Часть 1. – М., 2008. – 863 с.

<sup>10</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Том I–III / Сост.: Р. Т. Шамсутдинов, Б. Расулов. Под ред. Д. А. Алимовой. Том 1. – Т.: Шарк, 2006. – 656 с; Том 2. – Т.: Шарк, 2006. – 496 с; Том 3. – Т.: Шарк, 2006. – 352 с.

<sup>11</sup> Репрессия: 1937–1938 гг. Документы и материалы / Выпуск 1. Сост. Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э. Юсупов. – Т.: Шарк, 2005. – 288 с.; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари 1937 йил 10 август – 5 ноябрь. Иккинчи китоб. – Т.: Шарк, 2007. – 496 б. Репрессия: 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год: ноябрь / Сост: Р. Шамсутдинов, Э. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. – Т.: Шарк, 2007. – 496 с; Репрессия: 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год: декабрь / Сост: Р. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарк, 2008. – 576 с; Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб / Тузувчилар: Р. Шамсутдинов., Х. Курбанов., Ж. Расулов., Ф. Эгамбердиев., У. Бекимметов. – Т.: Шарк, 2009. – 413 б.

<sup>12</sup> Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти) / Маъсул муҳаррир: Р. Т. Шамсутдинов. Тузувчилар: Р. Т. Шамсутдинов, Э. П. Дўсматов, Х. Р. Курбанов. – Бухоро, 2009. – 159 б; Қатағон қурбонлари. Хотира (Хоразм вилояти) / Муаллифлар: Р. Т. Шамсутдинов, У. Бекмуҳаммад. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 139 б; 1937–1938 йилларда қатағон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби. Андижон вилояти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014; Шамсутдинов Р. Т. 1937–1938 йилларда қатағон қилинган андижонликларнинг ҳасратли қиссаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014; Коллективлаштириш ва «қатта террор» даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби. Самарқанд вилояти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

<sup>13</sup> Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий ахборот ва мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар / (Маъсул муҳаррирлар Б. Ҳасанов, Н. Каримов). 1–6 китоблар. – Т.: Ғаофур Ғулом, 2009–2017.

<sup>14</sup> СССР Ички ишлар министрлиги (Ф. Р- 9401 - НКВД СССР 1934-1946; МВД СССР, 1946 – 1960 гг.), СССР Ички ишлар министрлиги 4-махсус бўлими (Ф. Р-9479сч - 4-й спецотдел МВД СССР, 1930–1959 гг.), СССР Ички ишлар министрлиги жазони ўташ бош бошқармалари (Ф. Р-9414 - ГУМЗ МВД СССР, 1930 – 1960 гг.)

<sup>15</sup> ОГПУ мухтор ваколатхоналари билан алоқалар бўлими (ПП ОГПУ, Ф-2) фонди.

посевном фронте» номли журналларда чоп этилган мақолалардан ҳам кенг фойдаланилди. Шунингдек, оғзаки тарих материаллари, хотиралар ва эсдаликлар<sup>16</sup> архив ҳужжатларида акс эттирилган воқеалар тафсилотини тўлдириш ва тадқиқ этилаётган мавзунинг туб моҳиятини ойдинлаштиришга ёрдам берди.

Тадқиқотда мавзу тарихшунослигига катта ўрин берилди. Унда мавзуга оид адабиётлар концептуал-методологик ёндашув асосида 3 гуруҳдаги - совет даврида чоп этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар ва хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари таҳлил қилинди.

Биринчи гуруҳ, совет даври адабиётлари даврий нуқтаи назардан уҳта алоҳида босқич: 1) 1929–1956 йиллар; 2) 1956–1985 йиллар; 3) 1985–1991 йилларга ажратилди. Большевик мафкураининг концептуал мезонлари таъсирида бўлган дастлабки асарлар<sup>17</sup> кулоқларга нисбатан расмий ҳокимиятнинг қатъий ва принципиал ёндашуви бўлмаганлигидан гувоҳлик беради<sup>18</sup>. Публицистик материалларда давр моҳияти, партия ва совет органлари раҳбарлари дунёқарашидаги ўзгаришлар намоён бўлган. 1940-йиллардаги тадқиқотларда<sup>19</sup> солиқ сиёсатидаги синфий ёндашувга алоҳида урғу берилса, бошқа адабиётларда<sup>20</sup> кулоқлаштириш сиёсатига икки хил - эксплуататорлар синфининг тугатилиш жараёни ва коллективлаштириш сиёсатининг таркибий қисми сифатида баҳоланди.

Совет даври тарихшунослигининг иккинчи даврида муайян мафкуравий чекловлар доирасидаги тадқиқотлар<sup>21</sup> ва «қишлоқ хўжалигини социалистик

<sup>16</sup> Шукрулло. Репрессия – мусибатли йиллар ситами. Қасосли дунё: (мақолалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 75-92; Иминов К. «Кулоқ»лик сургун хотираларидан. – Андижон, 1997; Эгамназаров А. Сургун (ҳужжатли қисса, очерклар ва мақолалар). – Тошкент: Адолат, 1999. – 247 б; Бокий Н., Ҳамидов Ҳ. Мени ёд эт. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 208 б; Норбоева М. Умид ёлқини. (ҳужжатли қисса). – Андижон: Хаёт, 2001. – 35 б; Хайдаров Г. Х Былое и думы (Из воспоминаний) – Худжанд, 2004.

<sup>17</sup> Сталин И. В. Буюк бурилиш йили. – Самарқанд-Баку: Ўздавнашр, 1930. – 32 б; Сталин И. Ютуқлар ховлиқтирмасин. Араб алифбоси. – Самарқанд: Ўздавнашр, 1930. – 17 б; Калинин М. И., Енукидзе А. Е. Ёппасига коллективлаштириш ва Шўроларнинг вазифалари. – Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. – 48 б; Яковлев Я. Колхоз қурилиши тўғрисида. – Т.: Ўздавнашр, 1931. – 47 б; Леонов Ф. Муштумзўрларни тугатиш йўлида. – Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. – 51 б; Охунбоев Й. Беш йиллик тажриба ва олтинчи йилга қадам. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – 42б; БерEGIN К. Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш яқунлари. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – 64 б; Михайлов М. Колхозларни маҳкамлангиз. – Самарқанд-Тошкент, 1930. – 30 б.; Куйбишев В. В. Кимки биз билан бирга бўлмаса, у бизга қаршидир. – Т. Ўздавнашр, 1931. – 32 б; Муштумзўр хўжаликлардаги батрак ва батракчаларни қонун қандай химоя қилади. – Т.: Давлат меҳнат нашриёти Ўрта Осиё шубаси, 1930. – 62 б; Ўз ҳуқуқларини сақлаш учун батрак нималар билиши керак. – Т., 1930. – 61б; Мокеев В. Батрак ҳам камбағаллар бойларнинг эксплуатациясига қарши қандай курашуви керак. – Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. – 31 б; Криленко Н. Заракунандалик йўли билан синфий кураш. – Т.: Ўздавнашр, 1931. – 71 б; Розенталь К. Заракунандалар қандай қилиб кризис тайёрладилар. – Т.: Ўздавнашр, 1931. – 24 б; Литвиненко П., Раскин Г., Унжаков С. Қишлоқда колхоз ҳаракати ва синфий кураш. – Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1930. – 47 б.

<sup>18</sup> Деревня при НЭПе. Кого считать кулаком, кого – тружеником. Что говорить об этом крестьяне? – М, 1924; Большаков А. М. Деревня. 1917–1927. – М., 1927; Ангаров А. Классовая борьба в советской деревне. – М., 1929.

<sup>19</sup> Залесский М.Я. Налоговая политика советского государства. – М., 1940.

<sup>20</sup> Глазerman Г. Е. Ликвидация эксплуататорских классов и преодоление классовых различий в СССР. – М., 1949; Джамалов О. Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1950; Абрамов Б. А. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства. //Исторические записки. – М., 1951. Т. 38; Ўша муаллиф: Партия большевиков – организатор борьбы за ликвидацию кулачества как класса. – М., 1952.

<sup>21</sup> Данилов В. П. Социально-экономические отношения в советской деревне накануне коллективизации / Исторические записки. – 1956. Т. 55; Ўша муаллиф: Создание материально-технических предпосылок коллективизации сельского хозяйства. М., 1957; Трапезников С. П. Исторический опыт КПСС в социалистическом преобразовании сельского хозяйства. – М.: Мысль, 1959; Сайдалиев С. С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1958.

қайта қуриш» билан боғланган илмий асарлар<sup>22</sup> эълон қилинди. Шунингдек, собиқ кулоқларни «меҳнат орқали тарбиялаш», иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва кўрсатган жасоратлари ёритиб берилди<sup>23</sup>.

Учинчи даврда чоп этилган Н. Я. Гуцин, Н. А. Ивницкий, И. Я. Трифионов<sup>24</sup>, В. П. Данилов<sup>25</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларида<sup>26</sup> катта ҳажмдаги фактик материалларни жамлаганлиги билан алоҳида аҳамият касб этган. Қайта қуриш даврида жамиятда рўй берган сиёсий ва ижтимоий қарашлардаги чуқур ўзгаришлар таъсирида А. Ю. Иброҳимова, М. М. Пўлатова, Д. А. Алимовалар<sup>27</sup> коллективлаштириш тарихини объектив ёритишга ҳаракат қилганлар. Архивлардаги «махфий», «мутлақо махфий», «ўта махфий» тамғалари босилган ҳужжат ва материалларни илмий истеъмолга киритган В. П. Данилов<sup>28</sup>, Н. А. Ивницкий<sup>29</sup>, Н. Л. Рогалина<sup>30</sup>, Е. А. Зеленин<sup>31</sup>, Д. Волкогонов<sup>32</sup>лар собиқ Иттифоқ миқёсида муаммога янги баҳо беришни бошладилар. Ўзбекистондаги жараёнлар бўйича Р. Х. Аминова<sup>33</sup>, В. Н. Земсков<sup>34</sup>, Н. А. Ивницкий<sup>35</sup>, Н. Ф. Бугай, А. Н. Дугин, В. Я. Шашков, В. Самосудов, Н. Мальцева, П. Полянларнинг асарларида<sup>36</sup>

<sup>22</sup> Непомнин В. Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917 – 1937). – Т.: Госиздат УзССР, 1960; Нуритов А. К вопросу о характере и формах классовой борьбы в узбекском кишлаке (1932–1934 гг.) // Научны труды ТашГУ. Вып. 207, 1962; Селунская В. М. Борьба КПСС за социалистическое преобразование сельского хозяйства. – М.: Высшая школа, 1961; Тулепбаев Б. А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии. – М.: Мысль, 1967; Ибрагимова А. Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: Фан, 1969.

<sup>23</sup> Финаров А. П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. – В кн.: История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: Госполитиздат, 1963.

<sup>24</sup> Гуцин Н. Я. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса в сибирской деревне (1926 – 1933 гг.). – Новосибирск, 1972; Ивницкий Н. А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929 – 1932 гг.). – М.: Наука, 1972; Трифионов И. Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М., 1975.

<sup>25</sup> Данилов В. П. Советская доколхозная деревня: социальная структура, социальные отношения. – М.: Наука, 1979; Изменения социальной структуры советского общества. 1921 – середина 1930-х годов. – М., 1979.

<sup>26</sup> История советского крестьянства. – В 5 т.: Т. 2. Советское крестьянство в период социалистической реконструкции Аминова Р. Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929–1932 гг.). – Т.: Фан, 1974; Ўша муаллиф: Победа колхозного строя в Узбекистане. – Т.: Фан, 1981; Алимов И. А. Узбекское дехканство на пути к социализму (социально – экономические преобразование в узбекском кишлаке в 1921 – 1925 гг.) – Т.: Узбекистан, 1974; Народного хозяйства. 1927 – 1937 гг. – М., 1986.

<sup>27</sup> Ибрагимова А. Ю. Коллективизация сельского хозяйства Узбекистана: проблемы и суждения / Пулатова М. М. Белое пятно в истории коллективизации Узбекистана / Алимова Д. А. Коллективизация и женский вопрос в республиках Средней Азии: к историографии проблемы / Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы. – Алма-Ата: Гылим, 1990.

<sup>28</sup> Данилов В. П. Коллективизация: Как это было? // Страницы истории советского общества. – М., 1989. Ўша муаллиф: Коллективизация: В кн. Переписка на исторические темы. Диалог ведет читатель. – М.: Политиздат, 1989. – 355-400 с.;

<sup>29</sup> Данилов В. П., Ивницкий Н. А. О деревне накануне и в ходе сплошной коллективизации. // Документы свидетельствуют: Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927 – 1932 гг. – М., 1989.

<sup>30</sup> Рогалина Н. Л. Коллективизация: уроки пройденного пути. – М., 1989.

<sup>31</sup> Зеленин И. Е. Осуществление политики «ликвидации кулачества как класса» // История СССР. – 1990. – №6. – С. 31–47.

<sup>32</sup> Волкогонов Д. Триумф и трагедия. Политические портрет И.В. Сталин. В 2-х книгах. – М.: АПН, 1989.

<sup>33</sup> Аминова Р. Х. Коллективлаштириш - кашшоклаштириш демак // Шарқ юлдузи. – 1992. – №12. – Б. 183–188; Ўша муаллиф: Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995.

<sup>34</sup> Земсков В. Н. Спецпереселенцы. // СОЦИС. – 1990. – №11; Он же: Кулацкая ссылка в 30-е годы // СОЦИС. – 1991. – №10; Он же: Судьба кулацкой ссылки (1930–1954 гг.) // Отечественная история. – 1994. – №1; Он же: Спецпоселенцы в СССР, 1930–1960. – М.: Наука, 2003. – 306 с.

<sup>35</sup> Ивницкий Н. А. Коллективизация и раскулачивание (начало 30-х годов). – М., 1994; Он же: Репрессивная политика советской власти в деревне (1928–1933 гг.) – М., 2000; Он же: Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. – 296 с.

<sup>36</sup> Бугай Н. Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений // История СССР. – 1994. – №1; Он же: Депортация // Политический собеседник. – Минск, 1990. – №6; Он же: Л. Берия И. Сталину: «После Ваших указаний проведено следующее»... – М.: Гриф и К, 2012. – 510 с; Дугин А. Н. Спецпоселение. // Полиция и милиция России. – М., 1993; Шашков В. Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930–1954 гг. Дисс. на соискание уч. степ. д.и.н. – М., 1995; Самосудов В. М. Современная отечественная историография коллективизации (1980-е середина 90-х годов). Омск, 1998; Мальцева Н. А. Очерки истории коллективизации на Ставрополе. – Санкт-Петербург, 2000; Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О. Г.И.- Мемориал. – М., 2001; Бердинских В. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – М., 2005.



ёппасига коллективлаштириш зўравонлик билан ўтказилганлиги, қулоқлаштириш ва сургун қилиш жараёнидаги адолатсизликлар ёритилган. С. А. Красильников, Д. Д. Миненков<sup>37</sup>, Г. Ф. Доброноженколар<sup>38</sup> ўз тадқиқотларида кулак, сайлов ҳуқуқидан махрум қилинган ҳақсизлар масаласини Совет давлатининг ижтимоий сиёсати билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилганлар.

А. А. Голованов, И. Саидов<sup>39</sup> ва О. Назаровлар<sup>40</sup> деҳқонларнинг ижтимоий дифференциацияси ва мулкӣ табақаланишига совет тузуми аграр сиёсатининг таъсирини очиқ берганлар.

Мазкур илмий йўналиш бўйича Р. Т. Шамсутдиновнинг коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун тарихи бўйича янги концептуал-методологик тамойилларга асосланган монографик тадқиқотлари<sup>41</sup> муҳим аҳамият касб этди. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасидаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун жараёнининг мазмун-моҳияти, бунда куч ишлатиш органларининг роли Ўзбекистон тарихшунослигида илк бор ўрганилди. М. Абдуллаев, А. Мамажонов, М. Акбароваларнинг диссертацияларида<sup>42</sup> Украина, Шимолий Кавказ ҳамда Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганларнинг хаёти ва тақдири ёритилган.

Қозоғистон тарихчиларидан Ж. Б. Абылхожин коллективлаштириш тарихи масаласига янгича ёндашган.<sup>43</sup> Қирғизистон тарихига бағишланган мақолалар билан бир қаторда (Т. А. Абдырахманов, Г. К. Абдалиева, С. А. Арстанов)<sup>44</sup> А. А. Асанкановнинг олий ўқув юртлари учун нашр этилган

<sup>37</sup> Красильников С. А. На изломах социальной структуры: маргиналы в послереволюционном российском обществе (1917 – конец 1930-х гг.); Лекция 2. Тылополченцы как часть маргинальных групп 1930-х гг. – Новосибирск, 1998. Электронный ресурс – <http://zaimka.ru/sovet/krasiln1.shtml>; Он же: Тылополченцы. ЭКО, 1994. – № 3; Красильников С. А., Миненков Д. Д. Тыловое ополчение как элемент системы принудительного труда: этап становления (1930–1933 гг.) // Гум. науки в Сибири. – 2001. – № 2. – С. 41–46;

<sup>38</sup> Доброноженко Г. Ф. «Кулаки» в социальной политике государства в конце 1920-х – первой половине 1930-х гг. (на материалах Северного края). – Архангельск, 2012

<sup>39</sup> Голованов А. А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917 – 1937. – Ташкент: Фан, 1995; Голованов А. А. Саидов И. М. Деҳканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд, 2007.

<sup>40</sup> Назаров О. Р. Проведение сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане и её социально-экономические последствия (1929– 1937 гг.) (на примере Ташкентской и Ферганской областей). Автореф. дис.к.ист.н.) - Т.: УзМУ, 2001.

<sup>41</sup> Шамсутдинов Р. Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.: Шарқ, 2001; Ўша муаллиф: Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003; Ўша муаллиф: Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати (А. Мамажонов билан ҳаммуаллифликда). – Т.: Шарқ, 2005.

<sup>42</sup> Абдуллаев М. Ғ. Ўзбекистонда советларнинг «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929–1945 йиллар). Тарих ф. н. дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих ф. н. дисс. автореф. – Андижон, 2005; Акбарова М. Л. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар // Жамият ва бошқарув. – 2006. – №2. – Б. 176–179.( Р. Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда); / Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг фожиаи хаёти // Ватанамиз ўтмишидан. – Андижон, 2007. – Б. 65–82 ( Р. Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда); Акбарова М. Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан. Автореф. дисс.канд. ист.наук. – Ташкент, 2010.

<sup>43</sup> История Казахстана с древнейших времен до наших дней. (Очерк). – Алматы: Deуir. 1993. – С. 306– 311 с; История Казахстана: народы и культуры. – Алматы, Байк-Пресс, 2001. – С. 257– 319.

<sup>44</sup> Абдырахманов Т. А., Абдалиева Г. К. Коллективизация мезгилиндеги саясий куугунтуктоолордун негизинде, кыргыздардин Синьсянга эмиграцияланышы. Вестник Кыргызского государственного университета им. И. Арабаева. Невинные жертвы сталинских репрессий всегда в памяти народа. Специальный выпуск. – Бишкек, 2017. – С. 31–38; Арстанов С. А. 1937–1938 – жылдары Украинада репрессияланган кыргызстанликлар Вестник Кыргызского государственного университета им. И. Арабаева. Невинные жертвы сталинских репрессий всегда в памяти народа. Специальный выпуск. – Бишкек, 2017. – С. 41–44.

дарслигида<sup>45</sup> ҳам мавзуга оид фактик материаллар, муҳим хулосалар берилган.

Шимолий Кавказда сургун азобларини тортган, таниқли тарихнавис Г. Хайдаров Тожикистондаги коллективлаштиришни ижобий ва салбий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган.<sup>46</sup>

Хорижий тадқиқотчиларнинг XX асрнинг 50-80- йилларида эълон қилинган асарларда<sup>47</sup>, шунингдек, италиялик тадқиқотчи Дж. Боффа<sup>48</sup>нинг, франциялик Н. Верт<sup>49</sup> ва Г. Алексопоулосларнинг<sup>50</sup> тадқиқотларида совет давлати раҳбарлари қулоқлар ва «ҳақсизлар»ни мавжуд тузум учун энг хавфли тоифа сифатида билганликларига эътибор қаратганлар. АҚШлик Ш. Фицпатрик коллективлаштириш масаласига ўзига хос ёндашган. У совет давлати ҳар доим ҳам қишлоқни эксплуатация қилмади, жамиятни замонавийлаштириш – модернизациясини ҳам амалга ошириб борди<sup>51</sup> - деган фикрни ўртага ташлайди. Италия тарихчиси А. Грациози коллективлаштиришга кенгроқ қараб, унда Россиянинг келгуси тараққиётига омил бўлган ҳолатларни кузатишга ҳаракат қилади<sup>52</sup>. Америкалик этнолог-тарихчи Дж. Скотт<sup>53</sup> масалани маданиятлар қарама-қаршилигида кўриб чиқади ва қишлоқни коллективлаштиришга нисбатан деҳқонларнинг кундалик яширин қаршилигини тадқиқ этади.

Хуллас, колхозлаштириш сиёсати ва амалиёти тарихшунослигининг таҳлили муаммони ўрганишда турли қарашлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Шунингдек, бу жараёни Ўзбекистондаги ўзига хос қирраларини тарихийлик тамойили асосида холисона ўрганиш, миллий ғоя руҳида ҳаққоний талқин қилиш учун зарур илмий база шаклланди.

**«Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги ёппасига коллективлаштириш сиёсати (1929-1939 йиллар)»** деб номланган иккинчи бобда коллективлаштириш арафасида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби, коллективлаштириш сиёсатининг бошланиши ва унинг Ўзбекистондаги ўзига

<sup>45</sup> Асанканов А. А. История Кыргызстана (С древнейших времен до наших дней). – Бишкек, 2009. – С. 292–309.

<sup>46</sup> Хайдаров Г. Х. История таджикского народа: XX век. – Худжанд, 2001. – 501 с;

<sup>47</sup> Ecker, Frank Adolph. Transition in Asia: Uzbekistan under the Soviets. Thesis, Michigan, 1954; Kulski W.W. The Soviet Regime: Communism in Practice. Pp. xiv, 807. - N. Y.: Syracuse University Press, 1954; Nacou D. Du kolkhoze au sovkhoe. - Paris. 1958; Charles Bouvier. La Collectivisation de l'Agriculture: URSS, Chine et. Democracies Populaires. - Paris: Librairie Armand Colin, 1958.- 246 pp; Geoffrey Wheeler. The Peoples of Soviet Central Asia: A Background Book. London: Bodley Head, 1966; Lewin M. Russian Peasants and Soviet Power: A Study of Collectivization / tr. I. Nove. - New York, 1975; Davies R. W. The Socialist Offensive: The Collectivization of Soviet Agriculture, 1929–1930. - Cambridge, Mass, 1980. Vol. 1; Atkinson D. The End of the Russian Land Commune, 1905–1930. - Stanford, 1983; Shanin T. Russia as a «Developing Society» // The Roots of Otherness: Russia's Turn of Century. – New Haven, 1985. Vol. 1; Lewin M. The Making of the Soviet System: Essays in the Social History of Interwar Russia. – New York, 1985.

<sup>48</sup> Boffa Giuseppe/ Storia dell' Unione sovietica. Dalla rivoluzione alla seconda Guerra mondiale Lenin e Stalin 1917-1941. – Milano: Arnoldo Mondadori Editori? 1976; Унинг ўзи: Боффа Дж. История Советского Союза. От революции до второй мировой войны Ленин и Сталин. 1917-1941. В двух томах. – Москва: Международные отношения, 1990. – 630 с.

<sup>49</sup> Werth N. Histoire de l'Union sovietique / De l'Empire russe' a l' Union sovietique 1900 – 1991. – Presses Universitaires de France, 1991; Он же Верт Н. История советского государства 1900-1991. / Пер с фр. – 2-е изд. – М.: ИНФРА-М: Изд. Весь Мир, 2003. – 544 с.

<sup>50</sup> Alexopoulos G. Stalin's Outcasts. Pliens, Citizens and the Soviet State, 1926-1936. - London, 2003. В кн: Хаустов В., Самуэльсон Л. Сталин, НКВД и репрессии 1936-1937 гг. –М.: РОССПЭН; Фонд Первого Президента России Б. Н. Елцина, 2010. – 64 с.

<sup>51</sup> Фицпатрик Ш. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. – М.: 2001.

<sup>52</sup> Грациози А. Великая крестьянская война в СССР. Большевики и крестьяне. 1917–1933. – М., 2001. – 136 с.

<sup>53</sup> Скотт Дж. Благими намерениями государства. Почему и как провалились проекты улучшения условий человеческой жизни / Пер. с англ. Э. Н. Гусинского., Ю. И. Турчиновой. – М., 2005. – С. 307–353.

хос хусусиятлари, зўрлик билан ўтказилган коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг норозилик чиқишлари ва оммавий ҳаракатларга оид назарий қарашлар ва мулоҳазалар таҳлил этилган.

1929 йилнинг охирига келиб, ВКП (б) Сиёсий бюроси, МК ва Олий совет органларининг ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтиши<sup>54</sup> уни сунъий тезлаштириш ва бу борада «социалистик мусобақа»нинг ким ўзди «пойгасини» авж олдиришда ҳал қилувчи ўрин тутди. Ер–сув ислоҳоти эндигина яқунланиб, ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмаган Ўзбекистон қишлоқларида ҳам ёппасига коллективлаштириш жараёни бошланди. ЎзКП(б) МКнинг IV Пленуми (Самарқанд. 12–15 январь 1930 йил) колхоз қурилиши бўйича қабул қилинган режаларни «сезиларли даражада кенгайтириш» ҳақида кўрсатма берди<sup>55</sup>. Мазкур Пленум қарорлари кейинчалик партия V Пленумида (1930 йил март) сиёсий хато деб топилган бўлишига қарамай, ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқарди ва маъмурий-буйруқбозликни авж олишига туртки бўлди.

1930 йилда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг «Ёппасига коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш ишида Ўрта Осиё партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги<sup>56</sup> қарори асосида Ўзбекистон бўйича 18 район ёппасига коллективлаштириш райони этиб белгиланди<sup>57</sup>. ЎзКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси тасдиқлаган 18 район ичидан чорвадор Конимех райони рўйхатдан чиқарилди<sup>58</sup>.

Ёппасига коллективлаштириш ишида ўзаро мусобақа бошланди. «Правда»нинг 1930 йил 2 март сонидан И.Сталиннинг «Головокружения от успехов (К вопросам колхозного движения)» мақоласи эълон қилинди. Мақола ўзбек тилида «Ютуқлар ҳовлиқтирмасин»\* сарлавҳаси билан эълон қилинди<sup>59</sup>. Унда «...Туркистоннинг баъзи районларида ҳозирча колхозга киришни истамаётган деҳқонларни ҳарбий кучлар билан, сувсиз, молсиз қолдириш билан кўрқитиб, колхозчилик масаласида Шўролар Иттифоқининг олдинги районларини «қувлаб ўтиш ҳаракатлари кўрилди»<sup>60</sup>, деб таъкидланган. Архив ҳужжатлари бу масалада Сталин ОГПУ томонидан тайёрланган жуда катта маълумотга эга эканлигидан далолат беради<sup>61</sup>.

1930 йилда Ўзбекистондаги деҳқон хўжаликларининг 34,4%, яъни 288124 хўжалик колхозларга жалб қилинди<sup>62</sup>. Жами 3524 колхоз тузилган бўлиб, шундан, 93,4% ни қишлоқ хўжалик артели, 6,3% ни ТОЗлар, 0,3% ни

<sup>54</sup> КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т. IV. 1927–1931. – Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б. 419–22

<sup>55</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т.1.1925 – 1937. – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 508.

<sup>56</sup> Материалы к весенне-посевной кампании (Постановление Среднеазиатского Бюро ЦК ВКП(б) о задачах среднеазиатской партийной организации в деле проведения сплошной коллективизации и ликвидации кулачества как класса. Наказ всем партийным организациям, уполномоченным посевных комиссий, фракциям советских, кооперативных и профессиональных организаций Средней Азии). Вып.№2. Февраль. – Фергана, Фер.ОК КП(б) Уз, 1930. – С. 62.

<sup>57</sup> Материалы к весенне-посевной кампании... – С. 3.

<sup>58</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... – С. 212.

\* Кейинчалик И.Сталиннинг бу мақоласи «Ютуқлардан эсанкираш» тарзида таржима қилинди.

<sup>59</sup> Сталин И. Ютуқлар ҳовлиқтирмасин (Араб имлосида). – Самарқанд: Ўздавнашр, 1930. – Б. 7.

<sup>60</sup> Ўша жойда, – Б. 8.

<sup>61</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: Кн.1. – М.: РОССПЕН, 2005. – С. 108.

<sup>62</sup> ЎЗР ПДА. 58-фонд, 10-рўйхат, 181-иш. – Б. 30.

коммуналар ташкил этди<sup>63</sup>. 1931 йилда колхоз қурилишидаги ўзига хос хусусиятларидан бири колхоз қурилиши нафақат пахтачилик районларида, балки чорвадор районларда ҳам ёйилиб, қоракўлчи чорвадорлар ҳам колхозларга жалб қилинди<sup>64</sup>.

Шундай қилиб, 1930-1932 йиллардаги партия ва совет ҳукуматининг маъмурий тазйиқи, ошкора зўравонлиги, иқтисодий босим чоралари ва сиёсий тадбирлари натижасида Ўзбекистонда коллективлаштиришнинг юқори суръатлари таъминланди. 1931 йилда Ўзбекистонда колхозлардаги хўжаликлар сони 338482 тани ёки жами деҳқон хўжаликларининг 68,2% ни ташкил этди. 1932 йилда эса коллективлаштириш 74,9% ни ташкил этди ва хўжаликлар сони 638131 тага етди<sup>65</sup>. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда коллективлаштириш расман амалга оширилганлигининг далили эди.

Совет ҳокимиятининг коллективлаштириш сиёсати деҳқонларнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди. 1930 йил январдан деҳқонларнинг норозилиги ва қаршилиги оммавий ҳаракатга айланди. Норозиликнинг дастлабки ифодаси оммавий шикоят – арзноамалар<sup>66</sup> ЎзССР Советлари МИК раиси, Халқ комиссарлар Совети раиси ва ЎзКП(б) МК котиблари номига юборилган. Уларда деҳқонлар мажбурий тартибдаги колхоз тузумидан оммавий норозилиги баён этилган.

Ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган дастлабки кунларданок чорва ҳайвонлари сони кескин камайган. Колхозга киришга мажбур қилинган аксарият деҳқонларнинг хўжалигидаги ҳайвонларини сотиши, сўйиши ва бошқа жойларга ҳайдаб кетиши оммавий тус олди. Бу советларнинг колхоз қурилиши сиёсатига деҳқонларнинг ўзига хос қаршилиги ифодаси эди. Бозорда қўйларнинг нархи кескин пасайиб кетган<sup>67</sup>. ОГПУ маълумотларига кўра, деҳқонлар колхозга киришдан олдин барча ҳайвонларни, ҳатто отларини ҳам сотиб фақат сигирларини қолдирганлар<sup>68</sup>. Турли ташвиқот ва гаплардан саросимага тушган деҳқонлар уй ҳайвонлари билан бир қаторда меҳнат қуроллари, уруғлик донларни ҳам сотиб юборишган<sup>69</sup>.

1930 йилда Ўрта Осиёда жами 336 оммавий чиқишлар бўлган. Шундан, 290 тасида қатнашчиларнинг сони аниқланган бўлиб, улар 115950 нафарни ташкил этган<sup>70</sup>. Ўзбекистондаги 235 оммавий норозилик чиқишларида 77200 киши<sup>71</sup> қатнашган. 1931 йилда ҳам Ўзбекистон ҳудудида деҳқонларнинг колхоз қурилишига қарши жами 164 оммавий чиқиш содир этилган бўлса, унда 13980 киши қатнашган<sup>72</sup>. 1932 йилнинг ўзига хос хусусияти совет ҳокимиятига қарши ошкора чиқишларнинг камайиши ва сиёсий террорнинг

<sup>63</sup> Аминова Р. Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1995. – С. 41.

<sup>64</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат, 347-иш.

<sup>65</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 10-рўйхат, 181-иш, 30-варак.

<sup>66</sup> Ўша жойда. – С. 139.

<sup>67</sup> Шамсутдинов Р. Т. Қишлоқ фожеси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 99.

<sup>68</sup> Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927-1939. Документы и материалы. В 5. Т.2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930 / Под ред. В. Данилова, Р. Маннинг, Л. Виолы. – М.: РОССПЕН, 2000. – С. 764.

<sup>69</sup> Трагедия среднеазиатского киблака: ... Т.1. – Т.: Шарқ, 2006. – С.166

<sup>70</sup> Трагедия советской деревни... Т.2. – М.: РОССПЕН, 2000. – С. 804.

<sup>71</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 120-варак.

<sup>72</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 118-варак.

кучайиб бориши билан характерланади. Шу боис, деҳқонларнинг оммавий чиқишлари 1930-1931 йилларга қараганда кескин камайган ва 1933 йилда оммавий чиқишлар кузатилмаган<sup>73</sup>.

Умуман олганда, ёппасига коллективлаштириш арафасидаги Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби Совет Иттифоқининг марказий районларидан фарқ қилган. Большевиклар ўзбек қишлоқларида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатларни назар-писанд қилмасдан, аксинча қишлоққа коммунистик мафкурани, синфлар ўртасидаги кураш ғоясини мажбурий сингдиришга эришдилар. Ўзбекистон қишлоқларидаги большевикларнинг зўравонликка, маъмурий буйруқбозликка асосланган ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва бошқа аграр тадбирларига қарши деҳқонларнинг норозилик чиқишлари ва оммавий ҳаракатлари юзага келди. Бу ҳаракатлар ошкора - аризалар, йиғилишлар, намойишлар, аёлларнинг норозилик чиқишлари ва яширин - чорва моллари, иш ҳайвонларини сотиб юбориш ва сўйиш, камбағалларга тарқатиш, хорижга ҳайдаб кетиш шаклларида намоён бўлди.

**«Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қулоқлаштириш сиёсати»** деб номланган учинчи бобда XX асрнинг 20-30 йилларидаги деҳқон хўжалиқларининг ҳолати таҳлил қилинган, коллективлаштириш жараёнида қулоқларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини чекланиши ва «қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати»нинг моҳияти очиб берилган.

Россия империясида кулак сўзи кенг қўлланилаётган шароитда Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари қишлоқларида маҳаллий аҳолининг ҳеч бир қатлами кулак, муштумзўр ёки қулоқ деб аталмаган. Россиядагидек бу ўлкада қулоқ ҳали шаклланиб етмаганди<sup>74</sup>. Бу даврда Туркистон минтақасига Россиядан кўчириб келтирилган рус мужиклари - европа миллатига мансуб бой мужиклар кулак дейилган. Ўрта Осиё қишлоқларидаги мулкдорлар, йирик ер эгалари, сармоядорлар, бадавлат ва ўзига тўқ хўжалиқлар бой хўжалик деб номланган. Бу ўринда сиёсий ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган большевиклар Совет Ўзбекистони учун «қоғоздаги синф» – «қулоқлар синфи»ни конструкциясини яратдилар. Дастлаб, бой деҳқон хўжалиқларга нисбатан рус тилидаги «кулак» атамасининг тўғридан-тўғри таржимаси сифатида «муштумзўр» сиёсий атамасини қўлладилар. Аслида кулак сўзининг муштумзўр дея талқин этилишдан муайян мафкуравий мақсадлар бор эди. Большевиклар қишлоқдаги ёлланма ишчи кучидан фойдаланувчи тадбиркор, ишбилармон ва руҳонийларни «меҳнатсиз даромад кўриш учун ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчи зўравон» қилиб кўрсатиб уларни сиқув, синфий кураш орқали сиёсий-иқтисодий таъқибларни, сиёсий қатағонларни ғоявий-мафкуравий асосларини яратдилар. Шуниндек, партия ва совет органлари арбобларининг

<sup>73</sup> ЎзР ПДА. 58-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 120-варақ.

<sup>74</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда Советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 13.

нутқлари, даврий матбуот материаллари<sup>75</sup> воситасида аҳолининг кулоқ деб эълон қилинган қисмининг қиёфасини яратиш ва унга нисбатан салбий муносабатни шакллантиришни кўзлаган аниқ йўналтирилган сиёсатни олиб бордилар.

XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистондаги совет ва партия идораларининг ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларида ва даврий матбуотда, «муштумзўр» сўзи кенг қўлланилгани кузатилди. Масалан, ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг қарорлари, қўлланма ва бошқаларда «муштумзўр» сўзи қўлланилган<sup>76</sup>.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг расмий нашри «Қизил Ўзбекистон» газетаси асосий ташвиқот минбари бўлиб, унинг саҳифаларида русча кулак сўзи ўзбек тили талаффуз қоидаларига мослашган шаклда кулоқ деган шаклда, бузилган ҳолда истеъмолга киритилиши жараёни аниқланди.

Шу вақтдан бошлаб, аслида бир маънони англатишига қарамасдан турли хил ҳужжатларда кулоқ ва кулак сўзлари параллел ишлатилган. Масалан, ЎзССР ҳукуматининг 5- Бутун Ўзбекистон советлари қурултойига ҳисобот маърузасининг архив матнида ҳам кулак, ҳам кулоқ сиёсий атамалари қўлланилганини кўриш мумкин<sup>77</sup>. Тез орада ўзбек тилидаги даврий матбуотда ва ҳужжатларда, асосан кулоқ сиёсий атамаси қўлланила бошланди. Лекин муштумзўр, кулак сўзлари ҳам истеъмолдан тўла чиқиб кетмади. 1935–1939- йилларда ҳам турли совет идораларига юборилган фуқароларнинг ариза ва шикоятларида муштумзўр ва кулоқ атамаларидан\* фойдаланиш давом этди<sup>78</sup>.

XX асрнинг биринчи чорагида совет ҳокимияти қишлоқ аҳолисини ижтимоий – иқтисодий белгиларига кўра учта гуруҳга - камбағал, ўртаҳол ва бой-кулоқ деҳқон хўжаликларига ажратган. Совет Иттифоқи бўйича 1929 йилга қадар кулоқ хўжаликларини белгилаш бўйича ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган. Ҳар бир комиссарлик ва муассасалар ўз идоравий мезонларидан келиб чиқиб кулоқ хўжаликларини белгилаганлар.

СССР ХКСнинг 1929 йил 20 февраль ва 21 майдаги директив қарорларида<sup>79</sup> иттифоқдош республикалар ХКСлари кулоқ хўжаликлари

<sup>75</sup> Қаранг: Ҳ. Охунбойев. Беш йиллик таъриб ва илҳини йилга қадам. Самарқанд-Баку: О'знашр,1930; Леонф F. Mushtumzorlarni tugatis jolida. - Tashkent-Baku: O'znashr,1931; Mushtumzor xojaliklaridagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi?. - T.: Mehnat-Orta Osiya sho'basi, 1930.

<sup>76</sup> Қаранг: Ozbekiston Ijtimaiy Shora Jumhuriyatining amaldagi qonunlarining jigindisi. II, III, IV qismlar. - Samarqand-Toshkent: O'znashr, 1930; Mushtumzor xojaliklaridagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi?. - T.: Mehnat-Orta Osiya sho'basi, 1930. - 62 v.

<sup>77</sup> ЎЗР ПДА. 58 - фонд. 10- рўйхат, 181- иш, 30-31 варақлар.

\* 1940–1960 йиллардаги ўзбек тилидаги илмий ва бадиий асарларда «кулоқ» атамаси билан бирга «кулак» ва «муштумзўр» сўзларини учратамиз. Масалан, таникли адиб Абдулла Қаҳҳор... «Кўшчинор» киссаси, «Кўшчинор чироклари» асарида муштумзўр ва кулоқ атамаларини бир хил маънода қўллаган «...Шу кунларда Хўжақишлоқда колхозга қарши бир тўполон чиқди-ю бу тўполонда муштумзўрларгина эмас, ҳатто айрим камбағал деҳқонлар қатнашганлиги колхозга киришга чўчиб турган одамларнинг юрагига ғулгула солиб кўйди» - деб ёзади (Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. Уч томлик. Қўшчинор чироклари. - Т.:Ўздавнашр, 1956. - Б.59.). 1960 йилда нашр қилинган «Ўзбек социалистик миллати» асарида М. Ваҳобов «кулак» атамасидан фойдаланган (Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. -Т.:Ўздавнашр,1960. - Б. 460. ). 1970 йиллардан бошлаб нашр қилинган асарлар, ҳужжатлар ва материаллар тўпламларида кулоқ атамаси мустаҳкам ўрин олди (Қаранг: КПСС съездлари, конференциялари, пленумларининг резолюция ва қарорлари. - Т.: Ўзбекистон, 1983.).

<sup>78</sup> ЎЗР МДА. Р-86 - фонд, 10- рўйхат, 1239 - иш, 98 - 99 варақлар.

<sup>79</sup> Mushtumzo'r xo'jaliklardagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi. - T.: Davlat mehnat nashryoti O'rta Osiyo sho'basi, 1930. B. 1.

доирасини белгилашда назарда тутиладиган ҳолатлар кўрсатилган<sup>80</sup>. Лекин булар фақат умумий кўрсатмалар бўлиб, иттифоқдош республикалар ХКСлари томонидан қулоқ хўжаликларнинг аниқ белгиларини тайинлаш ваколати берилган. ЎзССР ХКСнинг 1930 йил 6 апрелдаги «Меҳнат қонунлари мажмуасини уларга татбиқ қилиш тегишли бўлган муштумзўр хўжаликларнинг аломатлари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олишнинг тартиби тўғрисида»ги қарорга<sup>81</sup> асосан миқдор ва ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда хўжаликка мансубликни белгилаш меъёри ҳам киритилган.

Совет ҳокимияти томонидан коллективлаштириш жараёнида энг кўп қўлланган қатағон шакли, бу аҳолининг айрим қатламларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсатидир. XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек тилидаги расмий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ва турли матбуот материалларида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, «шўрога ҳақсизлар», «ҳуқуқдан маҳрумлар», «ҳақсизлар» деб юритилган. ЎзССР Конституцияси (1927)нинг «Шўрога сайлаш тўғрисида»ги 6-бўлимнинг 13-боби 92-93 моддалари<sup>82</sup> асосида қабул қилинган «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамаллари»да<sup>83</sup> сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдиганларга фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчилар, собиқ миршаб ва бошқа киритилган<sup>84</sup>. Коллективлаштириш жараёнида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар иш жойидан бўшатилди<sup>85</sup>, касаба уюшмаларига, колхозларга аъзоликка қабул қилинмади. Товар ва озиқ-овқат карточкаси берилмади<sup>86</sup>, бирон-бир лавозимга тайинланмади<sup>87</sup>, олий ва ўрта-махсус билим юртига ўқишга қабул қилинмади<sup>88</sup>.

Ўзбекистондаги совет мустамлака сиёсатининг асосий йўналиши «пахта мустақиллиги учун кураш» бўлиб, бу ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг асосий диққат марказида турган ва у турли директивалар орқали Ўзбекистондаги партия-совет органларига босим ўтказиб турган. Суд органлари «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсатидан келиб чиқиб, айнан бир хил ижтимоий қилмиш учун бой деҳқонларга нисбатан оғир, камбағал ва ўртаҳолларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаган<sup>89</sup>. Масалан, Фарғона округ суди 1930 йил 27 февралда ЎзССР Адлия Халқ комиссарлигига режани бажармаган бой-қулоқ ва эшонларга ҳамда айрим ўртаҳолларга нисбатан суд томонидан қатағон чораларини қўллаш тўғрисида

<sup>80</sup> Ўша жойда.

<sup>81</sup> ЎзР, МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш, 76-78 варақлар.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумхуриятининг амалдаги қонунларининг мунтазам йиғиндиси. Самарқанд- Тошкент.: Ўздавнашр, 1930. – Б. 27–28.

<sup>83</sup> «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал». ЎзССР Ишчи ва деҳқон ҳукуматининг қонун ва буйруқларининг йиғиндиси. 12 декабрь 1927 йил. – № 38.

<sup>84</sup> Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал. ЎзССР Ишчи ва деҳқон ҳукуматининг қонун ва буйруқларининг йиғиндиси, 1 ноябрь 1926 йил. – № 26.

<sup>85</sup> АВДА. 186-фонд, 1-рўйхат, 76-иш, 516-518 варақ.

<sup>86</sup> Красильников С. А. На изломах социальной структуры: маргиналы в послереволюционном российском обществе (1917-конец 1930-х гг.). [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://zaimka.ru/sovetskrasiln1.shtml>.

<sup>87</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.1. – С. 171.

<sup>88</sup> Славко Т. Лиценцы на материалах крестьянских судебных уральцев. лишенных избирательных прав в 1918–1936 гг. – Нижний Тагил, 2001.

<sup>89</sup> ЎзР. МДА. 904 - фонд, 1 - рўйхат, 356 - иш, 41 - варақ.

кўрсатма берилганлиги қайд этилган<sup>90</sup>. Хоразм округида ҳам партия ва совет органларининг пахта тайёрлаш бўйича синфий ёндашувни кучайтириш ҳақидаги махсус директивага асосан Хоразм округ суди раиси муовини Неганов бошчилигидаги махсус гуруҳ «туну-кун жанговор ҳолатда» 1930 йилнинг февралида 572 пахта ишини кўрган<sup>91</sup>.

Совет Иттифоқининг марказий районларидан фарқли ўлароқ Ўзбекистондаги сиёсий қатағонлар совет мустамлакачилик даврининг пахта, пилла ва ғалла тайёрлаш сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлди. ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси ҳамда унинг тасарруфидаги партия ва куч ишлатиш органларининг тазйиқлари остида республикада пахта, пилла, ғалла тайёрлашда барча сиёсий ва ҳуқуқий механизмлар ишга солинди. Бу механизмларнинг асосий зарбаси зарурий омил - иқтисодий тадбирларни амалга оширишга бўлмай, балки қатағон сиёсатини қўлланилишига восита бўлиб хизмат қилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда қулоқ оилаларини сургун қилиниши**» номли тўртинчи бобда сургун қилиш чораси орқали қишлоқдаги инфраструктуранинг ўзгартирилиши, «қулоқ» оилаларини кўчиришда қўлланилган қатағон усуллари ва механизмлари, Ўзбекистондаги сургун ўташ жойлари - махсус посёлкаларнинг вужудга келиши, сургун қилинган деҳқонларнинг аҳволи, сургундан озод бўлиш жараёни тизимли очиб берилган.

1930 йил 1 февралда СССР МИК ва ХКС томонидан вилоятлар ижроқўмларига қулоқларга қарши курашнинг барча чораларини қўллаш, ҳатто бутун мол-мулкни мусодара қилиб, яшаб турган жойидан сургун қилиш ваколати<sup>92</sup> берилди. СССР МИК Президиуми ОГПУга қулоқларни тугатиш компаниясини ўтказиш даврида суддан ташқари ишларни кўришни ўзининг ваколатли вакиллиги (ПП ОГПУ)га топшириш ҳуқуқи берилди<sup>93</sup>.

Архив ҳужжатлари Ўрта Осиёдан ташқарига сургун қилишнинг ва умуман бутун қатағон сиёсатининг ташаббускори ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, ижрочиси эса Ўрта Осиё ПП ОГПУси ва Ўзбекистон ГПУси бўлганлигидан далолат беради<sup>94</sup>. Бу органлар Ўзбекистонда совет қонунчилигини қўпол равишда бузган ҳолда давлат органлари функциясини ўзлаштириб олганлиги Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга ва Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига «қулоқ»ларни сургун қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Ўзбекистон ва қўшни республикалардан «қулоқ»ларни сургун қилиш масаласи биринчи бор Ўрта Осиё бюросининг 1931 йил 6 мартдаги йиғилишида муҳокама қилинган<sup>95</sup>. 1931 йил 5 августда ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 6 минг бой оилани Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон,

<sup>90</sup> ЎзР. МДА. 904 - фонд, 1 - рўйхат, 349 - иш, 182 -185 varaқлар.

<sup>91</sup> ЎзР МДА. 904 - фонд, 1 - рўйхат, 349 - иш, 175-varaқ.

<sup>92</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... – С. 323.

<sup>93</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940: В 2 кн. Кн.1... – С. 66.

\* Шу ўринда Сиёсий бюро ва МИК қарорларидаги сиёсий идора ва прокуратура билан бирга «тройка» таркибида ишлайдиганларга тегишли формулировкаларда номутаносиблик кўзга ташланади.

<sup>94</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 444.

<sup>95</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 448.



Қирғизистон ва Қорақалпоғистоннинг пахтачилик районларидан сургун қилишга рухсат берган<sup>96</sup>.

Ўрта Осиёдан «қулоқ» оилаларни сургун қилиш операциясини бошлаш санаси 1931 йилнинг 20 августга белгиланди<sup>97</sup>. 1931 йилнинг август–сентябрида Ўзбекистондан Украина ва Шимолий Кавказга белгиланган 3500 хўжалик ўрнига 3837 хўжалик сургун қилинди<sup>98</sup>. Хусусан, Андижон туманидаги 952 та бой хўжалиқдан 200 таси сургун қилиниши белгиланган бўлишига қарамай, 232 хўжалик сургун қилинган<sup>99</sup>.

1930–1931- йилларда Ўрта Осиёдан жами 6944 та «қулоқ» хўжалиги сургун қилинган, шундан 159 та хўжалик Қозоғистонга, 2213 та хўжалик Шимолий Кавказга, 3444 та хўжалик Украинага, 1128 та хўжалик эса Ўрта Осиё ҳудудидаги меҳнат посёлкаларига мажбуран кўчирилган<sup>100</sup>. 1932 йил майида Ўзбекистон бўйича жами 716227 деҳқон хўжалиқларининг 1,2 % ни ташкил этган 4866 бой хўжалиқларни (6877 меҳнатга қобилятли эркак киши билан) Тошкентдаги Ўрта Осиё меҳнат тузатиш лагери (САЗЛАГ) меҳнат посёлкаларига сургун қилинди<sup>101</sup>. 1933 йилнинг 15 - 20 июлда Ўрта Осиёдан Шортандин станциясига 500 оила – тахминан 2500 киши сургун қилинди<sup>102</sup>. Ўзбекистондан Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганлардан 1523 киши Шортандин районидаги 37-сон меҳнат посёлкасига жойлаштирилган<sup>103</sup>.

Ўзбекистон қишлоқларидаги деҳқон оилалар сургуни билан боғлиқ барча масалалар ВКП(б) МК Сиёсий бюроси тузган махсус комиссиянинг тўла назоратида бўлди<sup>104</sup>. «Ўрта Осиёдан бой-қулоқ хўжалиқларни сургун қилиш тўғрисидаги йўриқнома»<sup>105</sup> асосида бой-қулоқ хўжалиқларини уч тоифага бўлиш асоси сақланиб қолди<sup>106</sup>. Ўзбекистон ССР ҳудудидаги махсус посёлкалар сони 1931 йилнинг баҳори ва ёзида тугатилган бой-қулоқ хўжалиқларни ички сургуни натижасида 13 тага етди<sup>107</sup>.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 майдаги «Қулоқлар тўғрисида»ги қарорига кўра сургун қилинганларни маъмурий, ташкилий ва хўжалик жиҳатдан бошқариш ОГПУга ўтказилди<sup>108</sup>. Сургун қилинганлар устидан назорат кучайтирилди. ОГПУ маълумотларида 1931 йил 1 июлгача Ўрта Осиё бўйича жами 19 «қулоқ посёлкаси» бўлиб, шундан 17 таси Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлиги қайд этилган<sup>109</sup>. Маълумотларга

<sup>96</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 631.

<sup>97</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 633.

<sup>98</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.1. – С. 482.

<sup>99</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.1. – С. 481–482.

<sup>100</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930 – 1960 гг. – М.: Наука, 2003. – С. 18.

<sup>101</sup> ЎзР. МДА. 837–фонд, 26–рўйхат, 384–иш, 16–17,49–51 ыарақлар.

<sup>102</sup> Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар / Тарихнинг хасратли саҳифалари... – Б. 134.

<sup>103</sup> Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар... – Б. 134.

<sup>104</sup> Ивницкий Н. А. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928–1933 гг.). М.: Изд.центр Инст. истории РАН, 2000. – С. 168–169.

<sup>105</sup> ЎзР ПДА. 58 - фонд, 7 - рўйхат, 249 - иш, 3-8 ыарақлар, 247 - иш, 42-50 ыарақлар

<sup>106</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 474.

<sup>107</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.2. – С. 273.

<sup>108</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.1 / Отв. ред Н. Н. Покровский. – М.: РОССПЭН, 2005. – 304 с.

<sup>109</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 251-иш, 2-ыарак.

кўра, уларда 2263 кишидан иборат 678 хўжалик сургун ўтаган. Посёлкалар ва улардаги аҳоли миқдори мунтазам ўзгариб турган<sup>110</sup>.

1931 йил 22 ноябрда ВКП(б) МКнинг Махсус кўчирилганлар бўйича комиссияси Ўзбекистондаги пахтачилик совхозлари ҳузурида махсус посёлкалар ташкил қилишга қарор қилди. Сургун қилинган кулоқ-бой оилалардан шу пахтачилик совхозларида ишчи кучи сифатида фойдаланишга рухсат берди<sup>111</sup>. 1932 йилнинг 22 майдан 24 майгача давом этган Ўрта Осиёдаги ички сургун натижасида Ўзбекистондан жами 4866 бой хўжалик Ўрта Осиё меҳнат тузатиш лагери совхозларидаги меҳнат посёлкаларига жойлаштирилди<sup>112</sup>. СССР бўйича 1932 йил давомида махсус посёлкаларга турли минтақалардан (ички сургунлардан ташқари) жами 71 236 киши мажбуран жойлаштирилган бўлиб<sup>113</sup>, уларнинг энг катта қисми (39,4%) Ўрта Осиёга буриб юборилган. Бу кўрсаткич билан Қозоғистон (39,4%) ва Урални (14,2%) ҳам ортида қолдириб кетган<sup>114</sup>. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат, 1933 йилда Ўрта Осиё посёлкаларига бирорта ҳам махсус кўчкинди қабул қилинмади. 1934–1937- йилларда Ўзбекистондаги махсус посёлкаларга сургун қилиш давом этган. Шимолий Кавказдан сургун қилинган 4560 кишидан иборат 841 оила қабул қилинган<sup>115</sup>.

Қишлоқдаги деҳқонлар энг фожиали 1937–1938 йилларда ҳам Сталинча қатағон сиёсатининг объекти бўлиб қолди. «Кулоқлар операцияси» бўйича 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январигача Ўзбекистонда 10700 киши қамоққа олинган бўлиб, улардан 5924 киши собиқ кулоқлар, 1679 киши жиноятчилар ва 3097 киши бошқа «антисовет элементлар»дан иборат бўлган. Шулардан 1376 собиқ кулоқ, 727 жиноятчи ва 1812 «антисовет элементлар» жами 3915 киши олий жазо – отиб ўлдиришга, қолганлари 8–10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди<sup>116</sup>. Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидаги махсус кўчкиндиларнинг маълум қисми такроран қатағон қилинди. 1937 йилда 46 киши, 1938 йилда 110 киши қатағон қилинди<sup>117</sup>.

Иккинчи жаҳон урушига махсус посёлкалардаги собиқ кулоқларнинг фарзандларини ҳам Қизил армияга сафарбар қилинди<sup>118</sup>. Ўзбекистон, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистон сургунидаги армия ёши етиб, ҳарбий мажбурият ўташга лойиқ эркаклар фронтга, мудофаа иншоотлари, қурол, ўқ-дори, ҳарбий кийим-кечак ва озиқ-овқат тайёрлайдиган меҳнат армияси лагерларига сафарбар этилган<sup>119</sup>.

Тадқиқот жараёнида Украинадаги меҳнат посёлкаларидан Қизил Армия чақирилиб, жангларда ҳалок бўлган 172 нафар ўрта осиелик собиқ кулоқлар

<sup>110</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.2. – С. 309.

<sup>111</sup> Шамсутдинов Р. Т. Қишлоқ фожиаси... – Б. 462.

<sup>112</sup> ЎЗР. МДА. 837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 16–17, 49–51 ыарақлар.

<sup>113</sup> Ивницкий Н. А. – М., 1996. – С. 196.

<sup>114</sup> Қаранг: Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. М.: О.Г.И – Мемориал, 2001.

<sup>115</sup> Земсков В. Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930–1960. – М.: Наука, 2003. – С. 27.

<sup>116</sup> Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. В 5-томах, 1927–1939. М.: РОССПЭН, 2004. Т 5. Кн.1. – С. 370–373.

<sup>117</sup> Респрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Вып.4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937, декабрь. – Т.: Шарк, 2005. – С. 562, 570.

<sup>118</sup> Шамсутдинов Р. Т. Қишлоқ фожеаси... – Б. 505.

<sup>119</sup> Шамсутдинов Р. Т. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Т.: Академнашр, 2017. – Б. 13.

